

# IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION  
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL  
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

# IJORCES

**International journal of conference series on education  
and social sciences. (Online)**

**September 2024**

Science Editor: **Cetin Avcı**  
(*Kadir Has University*)

Copyright © 2024

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at [ijorces.org](http://ijorces.org)

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

# Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munevver Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN  
Electronic Journals

Universal  
Impact Factor



## **МАРКАЗИЙ БАНК ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СИЁСАТИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ**

**Ш.Т. Ибодуллаев**

Тошкент Кимё халқаро университетининг  
мустақил изланувчиси, PhD

Марказий банк пул-кредит сиёсатининг тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашдаги ролини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалардан бири - бу Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатини такомиллаштириш масаласидир.

Фикримизча, ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб, Марказий банкнинг дисконт сиёсатини мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Ўз навбатида, Марказий банкнинг дисконт сиёсатини мавжуд эмаслиги мамлакатимизда тратталар (узатма тижорат векселлари) муомаласининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, республикаимизда 1997 йилга қадар тратталар муомаласи мавжуд эди, у 1997 йилда тўхтатилди. Фикримизча, тратталар муомаласини тўхтатилишининг икки сабаби мавжуд. Биринчи сабаб - муомалага товарлар билан таъминланмаган тратталар чиқди ва бунинг натижасида товарлар суммаси билан пул массасининг миқдори ўртасида кескин фарқ юзага келди. Чунки, тратта пулнинг тўлов воситаси функциясини бажаради. Иккинчи сабаб - табиий монополияларнинг мавжудлиги тратталар муомаласига салбий таъсир қилди. Табиий монополия ҳисобланган корхоналар ўзлари сотаётган товарларнинг ва кўрсатаётган хизматларининг баҳоларини асоссиз ошириш имкониятига эгадирлар. Бу эса, тратталарни товарларни сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида юзага келадиган ноэквивалент айирбошлашни юзага келтирадиган тўлов инструментига айлантириб қўяди.

Диссертацион тадқиқотнинг учинчи бобида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатадики, диссертацион тадқиқот объекти бўлган тижорат банкларида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар брутто активлар ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, тижорат банкларини қимматли қоғозларни гаровга қўйиб, Марказий банкдан кредит олиш имкониятини чеклаб қўяди. Бундай шароитда, Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган гаровсиз кредитлар ҳажмини оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун, фикримизча, тижорат банкларига пруденциал назорат талабларини бузмаслик шартини қўйиш керак, деб ҳисоблаймиз. Яъни, пруденциал назорат талабларини сурункали бузадиган тижорат банкларига Марказий банкнинг гаровсиз кредитлари берилмаслиги керак.

Шуниси аҳамиятлики, Марказий банкнинг дисконт, ломбард кредитлари ва гаровсиз кредитларини беришни бир вақтнинг ўзида йўлга қўйиш тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Тратталарни қайта ҳисобга олиш контингенти доирасида бериладиган дисконт кредитлари тижорат банкларига мижозларининг тратталарини ҳисобга олиш йўли билан қўшимча даромад олиш имконини беради. Тижорат банкининг дисконт кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган мижозлар қуйидаги икки шаклдаги афзалликдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади:

- товарларни сотувчилар дебитор қарздорликни пулга айланишини тезлаштириш имконига эга бўлишади;

- товарларни сотиб олувчилар пул маблағларининг вақтинчалик етишмовчилиги мавжуд бўлган шароитда ҳам товарларни тўловни кечиктириш шарти асосида сотиб олиш имконига эга бўлишади.

Таъкидлаш жоизки, тратталар муомаласини жорий этиш нафақат, тижорат банкларига Марказий банкнинг дисконт кредитларидан фойдаланиш имконини беради, балки тижорат банкларига форфейтинг кредитлари бериш ва факторинг кредитлари миқдорини кўпайтириш имконини беради.

Тижорат банкларининг форфейтинг кредитлари фақат тратталар муомаласига асосланади. Чунки, форфейтинг кредитида тижорат банки мол етказиб берувчига, у томонидан тақдим этилган траттани, регресс ҳуқуқсиз сотиб олиш йўли билан кредит беради. Эътиборли жиҳати шундаки, форфейтингда банк томонидан траттани регресс ҳуқуқи билан сотиб олишга рухсат этилмайди. Бунда тратта фақат регресс ҳуқуқсиз сотиб олинади, яъни товарларни сотиб олувчи тўловга ноқобил бўлиб қолса, тижорат банкида тўлаб берилган суммани мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқи бўлмайди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, тратталар муомаласини жорий этиш тижорат банклари берадиган факторинг кредитлари ҳажмини ошириш имконини беради. Чунки, факторинг кредитида нафақат товар ҳужжатлари, балки тратталар ҳам инкассо қилинади

Фикримизча, Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатини тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида, биринчидан, инфляциянинг монетар ва монетар бўлмаган омилларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш йўли билан инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришиш орқали Марказий банкнинг асосий ставкани пасайтириш учун замин яратиш керак; иккинчидан, тратталар муомаласини қайта тиклаш йўли билан, қайта молиялаш сиёсати доирасида, Марказий банкнинг дисконт кредитлари беришни йўлга қўйиш лозим; учинчидан, тижорат банкларининг активлари ҳажмида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғини кичик эканлигидан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган гаровсиз кредитларнинг ҳажмини ошириш зарур.